

Тадбиркорликни ривожлантиришда гендер муносабатларини ўрни

Боёвут ижтимоий –иқтисодий коллежи

Ўқитувчи- Абдурахманов А.А

Ўқитувчи- Йўлдошев Ш.Т

Инсонни ривожланиш жараёни узлуксиз бўлиб, жамиятнинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий ҳаётида турли жинс ва ёш тоифалари иштироки нуктаи назаридан кишилар имкониятини мунтазам равишда кенгайтирилишидан иборат. Ривожланишнинг энг ўткир муаммоларидан бири тенгликка эришишдир. Бироқ, ривожланиш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатади-ки, хотин-қизлар кўпинча ривожланиш жараёнидан четда қолади ва ҳатто унда иштирок этган тақдирда ҳам ривожланиш лойиҳаларини натижалари эркалар ва хотин-қизларга турлича таъсир кўрсатган. Жаҳон миқёсидаги статистик маълумотлар кўрсатишича, турли оилаларнинг умумий даромади ўртасидаги фарқ даражаси жуда катта. Амалда хотин-қизларнинг ривожланиш жараёнига жалб этилиши натижасида хотин-қизлар ва болалар аҳволи ёмонлашган. Шу тариқа хотин-қизларнинг жамият ривожланишидаги иштирокига ёндашувни қайта кўриб чиқиш ва ривожлантириш зарурати вужудга келган.

Иқлим исиши минглаб гектардаги майдонларни яроқсиз аҳволга келтириб қўйгани заминимиздаги ижтимоий вазиятга ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмаяпти, албатта. Жаҳон озиқ-овқат дастури маълумотларига кўра, айни пайтда дунёнинг 80 та мамлакатида 80 миллиондан ортиқ киши фавқулодда озиқ-овқат ёрдамига муҳтожлик сезмоқда. Нарх-навонинг кескин ошиб кетгани боис қашшоқлар ўз даромадларининг 75 фоизини фақат егулик учун сарфляптилар. БМТ маълумотларида эса шу кунларда ер юзи аҳолисининг 1 миллиард 300 миллиондан кўпроғи оч-наҳор кун кечираётгани таъкидланмоқда. Ҳар йили дунё бўйлаб минглаб гектар майдонлардаги унумдор ерлар ҳажми камайиб бораётгани ҳам жиддий муаммолардан биридир. Қурғоқчилик, шўрланиш, чўлланиш ва бошқа сабаблар боис ҳосил чўғи камайиб бораёпти. Шундоқ ҳам БМТ маълумотларида она-сайёрамизда қашшоқлик ва очарчиликдан 25 минг киши ҳалок бўлаётгани, уларнинг 60 фоизидан зиёдини аёллар, 25 фоизини эса болалар ташкил этаётгани тилга олинаёпти. Бу ҳар 5 сонияда бир гўдак очлик қурбонига айланаёпти[8.], деганидир. Жаҳондаги умумий иқтисодий пасайиш, шунингдек айрим минтақалардаги сиёсий беқарорлик кўпгина мамлакатларда ривожланиш соҳасида белгилаб қўйилган мақсадлардан чекинишга мажбур қилди. Ушбу ҳолат қашшоқлик кўламлари ниҳоятда ортишига олиб келди. Жаҳон аҳолисини қашшоқ турмуш кечираётган бир миллиард нафардан кўпроқ аҳоли ўртасида ҳам аёллар кўпчиликини ташкил этади. 2008 йилдан бошланган жаҳон молиявий- иқтисодий инқироzi даврида мустақил Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши йиллик ЯИМ ўртача 8 %

миқдорида ўсиш кузатилиши тор маънода гендер иқтисодиёти соҳасидаги муваффақиятдир.

Эркак ва аёлларнинг ҳатти ҳаракати ижтимоий ва маданий характеристикаларини аниқроқ фарқлаш учун гендер атамаси қабул қилинган. Гендер (инглизча гендер – “зот” дан) жинс тушунчасини физиологик воқелик жараёни бўлган ижтимоий конструкция сифатида белгилайди. Ўғил ва қиз болаларда турлича кўникмалар ва психологик хусусиятларнинг тарбияланиши, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги меҳнат тақсимоти, жамиятда қабул қилинган маданий меъёрлар, роллар ва қарашлар – гендер фарқланишни шакллантириш жараёнини ифодалайди. “Гендер” тушунчасининг киритилиши шунинглашга ёрдам берадики, жамиятдаги эркаклар ва хотин-қизлар ролларини ижтимоий жиҳатдан фарқлайди ва белгилайди. Гендер концепциясига мувофиқ, ривожланиш бўйича фаолиятда “Хотин-қизлар ривожланишда” (Women and Development) шиоридан “Гендер ва ривожланиш” (Gender and Development) шиорига ўтиши амалга оширилади.

Аҳолининг турли гуруҳлари ўзларининг ижтимоий роллари ва ўзига хос талабларига мос равишда ривожланиш бўйича фаолиятда иштирок этишига нисбатан гендер ёндашувининг қўлланиши ривожланишнинг гендер стратегиясини ишлаб чиқиш имконини берибди. Ўғил ва қиз болалар туғилганидан бошлаб ўз анъанавий гендер ролларини ўзлаштирадилар ва жамият томонидан маъқулланган ўзини тутиш стандартларига риоя қила бошлайдилар. Бу – ижтимоийлашиш жараёни ҳисобланади. Одам жинсига боғлиқ равишда ўзига белгиланган гендер ролини ўйнайди, ҳаётнинг ҳамма жиҳатларига тааллуқли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Гендер роли одамлар эҳтиёжлари ва манфаатларини белгилайди, уларнинг турли имкониятлардан фойдаланишларида катта аҳамиятга эга бўлади. Айни пайтда гендер роли баъзан тенглик масаласига ҳам таъсир кўрсатиб, камситиш ва ҳуқуқни бузиш сабабига айланади. Гендер тенглиги – аёллар ва эркаклар, қизлар ва ўғил болалар учун тенг ҳуқуқ, масъулият, имконият, қадрият ва натижалардир. Гендер тенглиги фақат аёлларга тааллуқли масала бўлмасдан у, эркаклар ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам англатади. Чунки жамият ҳар икки жинсдан гендер нормалари ва стандартларига мувофиқ ҳаракат қилишни кутади. Тенглик аёллар ва эркаклар бир хил бўлиб қолишини билдирмайди. Лекин уларнинг ҳуқуқлари, масъулияти ва тенглиги ўзлари қиз ёки ўғил бола бўлиб туғилганларига боғлиқдир. Гендер тенглиги аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам манфаатлари, эҳтиёжлари ва устуворликлари ҳисобга олинганлигини кўрсатади. Шу билан бирга аёллар ва эркаклар гуруҳлари ўртасидаги хилма-хиллик ҳисобга олинади. Гендер тенглигига эришишнинг бир-бирини ўзаро тўлдирадиган икки усули мавжуддир[3:21.] 1. Гендер мейнстриминг (ёки гендер масалаларини барча соҳалар ва йўналишларга жорий этиш) – ушбу усул ҳар қандай режалаштирилаётган чораларни, шу жумладан қонунчилик, сиёсат ва дастурларнинг барча соҳаларида ва барча даражаларда аёллар ва эркакларга тааллуқли оқибатларни баҳолаш жараёнидир. Ушбу ягона кенг қамровли

стратегия гендер масалаларини барча йўналишлар ва секторларда дастурий фаолият олиб борадиган (масалан савдо, соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт ва ҳоказолар) ташкилотлар (шу жумладан, вазирлик ва идоралар) фаолиятига гендер масалаларини киритишни назарда тутди. Мазкур ҳолда гендер тенглигига “алоҳида масала” сифатида қаралади, у ҳар қандай стратегия ва дастурнинг таркибий қисмига айланади. Ҳар икки жинс – аёлларга ҳам, эркекларга ҳам ривожланиш жараёни қатнашчилари ва бунинг натижасидан фойдаланувчилар сифатида қаралади. Гендер ёндашуви аёллар ва эркеклар, киз ва ўғил болалар турли эҳтиёжлар ва устуворликларга эга бўлишлари мумкинлигини ҳисобга олади.

Гендер тенглик ХХІ асрда ривожланиш соҳасида БМТ мақсадларига эришиш борасида принципиал жиҳатдан аҳамиятли омилдир. Бу омиллардан бири – эркеклар ва хотин-қизлар тенглигини рағбатлантириш ва хотин-қизлар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришдир. Халқаро хотин-қизлар ҳаракати гендер иқтисодиёт муаммоларини келтириб чиқарди. Иқтисодиётнинг гендер жиҳатларини ўрганишда иқтисодий фикрлашнинг энг авж нуқтаси ўтган асрнинг 60-70 йилларига тўғри келди.

Иқтисодий соҳада гендер стратификациясининг жараёни чуқур гендер асимметрияси вужудга келишига сабаб бўлди. У эркеклар ва аёллар учун меҳнат ва бандлик соҳасида кузатиладиган нотенг имкониятларда намоён бўлади. Иқтисодиётда, меҳнат бозорида эркек ва аёллар бандлиги соҳалари аниқ бўлинган. Умуман гендер иқтисодиёти услубий ёндашувининг турли туманлиги қарамай, тадқиқотлар микро ва макро миқёсдаги турли даражаларни қамраб олмоқда.[2:56,57,60] Микро даражада гендер муаммоларини ўрганишда уй хўжалиги, оила, ишлаб чиқаришнинг оилавий усули бирлигининг энг муҳим бўлимларидан бирини ташкил этади. Макро даражада эса, гендер муаммоларини иқтисодий жараёнлар ва хусусан, иқтисодий сиёсатдаги ролини қамраб олади. Макро даражада ўрганиш бу янги йўналиш ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиёти тараққиётини гендер нуқтаи назарида микро ва макро даражада ўрганишлар давомида қуйидаги қонуниятлар аниқланди:

- Муайян касб гуруҳида хотин-қизлар улуши қанчалик юқори бўлса, гуруҳ бўйича ўртача иш ҳақи шунчалик паст бўлади. Яъни хотин-қизларнинг иқтисодиётдаги иш ҳақи кам бўлган секторларда жамланиши тенденцияси вужудга келди;
- Барча касб гуруҳларида эркеклар ўрта ҳисобда хотин-қизларга нисбатан кўп маош оладилар;
- Эркекларнинг бандлиги соҳалари энг нуфузли ва янги касблар билан боғлиқ бўлса, айти пайтда “хотин-қизлар” касблари, одатда, анъанавий хизмат кўрсатиш соҳалари (тиббиёт ҳамширалари, бошланғич ва ўрта мактаб ўқитувчилари) билан боғлиқ. Тегишли равишда кимнинг малакаси паст бўлса, кимнинг меҳнати бозорда арзонроқ баҳоланса, ўша инсон уй ишларини ўз зиммасига олади.

Олий маълумот дипломига эга бўлган аёлнинг уй меҳнати бундай дипломга эга бўлмаган аёлнинг уй ишига қараганда қимматроқ туради.

Аёллар ўртасида ишсизлик даражаси эркакларникига қараганда анча юқори. Турли инқирозлар пайтида, энг аввало, аёллар ишдан бўшатилади, ишга олиш пайтида эса, эркаклар афзал кўрилади. Шунини қайд этиш зарурки, иқтисодий соҳада гендер тенгсизлик масалалари жиддий ўрганилаяпти ва ўзига хос тамойиллар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон БМТ таркибига киргач, Марказий Осиёда биринчи бўлиб хотин-қизларнинг ҳуқуқларини халқаро миқёсда тасдиқловчи ҳамда давлатларнинг ана шу ҳуқуқларни ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи кўплаб халқаро шартномалар ва конвенцияларга қўшилди. Ўзбекистоннинг қатор халқаро ҳужжатларга, жумладан, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”га (91.30.09), Тўртинчи Умумжаҳон хотин-қизлар конференцияси декларацияси ва Ҳаракат платформасига (Пекин, 1995), “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 103 конвенцияси”га (95.06.05.), “Эркаклар ва хотин-қизларнинг бир хил меҳнати учун бир хил ҳақ тўлаш тўғрисидаги конвенция”га (97.30.08.), “Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция”га қўшилиши, аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашга ташланган бундай қадамлар Ўзбекистоннинг сиёсий тараққиёт динамикасидаги энг ёрқин кўрсаткичлардир. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига кириб бораётган ва демократик сиёсий тизимни шакллантираётган бир пайтда жинслар тенглиги муаммоси замонавий ютуқлар нуқтаи назаридан танқидий қайта кўриб чиқилмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш жараёнларидаги мавжуд гендер тенгсизликни енгиб ўтиши йўлида мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. . Ўзбекистонда гендер тенглиги масаласига катта эътибор қаратилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов “Жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғлик илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий – маънавий савиясини белгилайди”, [1:42] деган сўзлари замирида улкан ислохотларнинг бош ғояси мужассамдир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила Кодекси, Меҳнат Кодекси, умуман 80 тадан ортиқ норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар ана шу мақсадга – хотин-қизларнинг барча соҳаларда эркаклар билан кенг ҳуқуқлигини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ролини оширишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” деб кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг кўпчилик мамлакатлари каби гендер тенглиги соҳасида ўз зиммасига қатор мажбуриятлар олган. Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида юзтадан кўпроқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Мамлакат ҳукумати қатор миллий дастурларни, шу жумладан Ўзбекистонда аёллар аҳволини яхшилаш стратегиясини белгилаб берган Миллий ҳаракат платформасини қабул қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

Фармони асосида аёлларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида янги иш ўринлари яратиш ва аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган тегишли дастур ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини янада оширишга қаратилган чоралар ҳам кўзда тутилган. Ўзбекистонда муайян тадқиқотларда гендер тафовутларга эътибор бериш тобора анъанага айланиб бормоқда. Мамлакатимизда психологлар, файласуфлар, социологлар, тарихчилар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар иқтисодчилар ҳам бу муаммони ўрганишмоқда. Жамият ва оила ижтимоий-иқтисодий тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни ва ролига бағишланган қатор анжуманлар, монографик тадқиқотлар, диссертациялар айнан шу муаммога бағишлангандир. Н. Раҳимованинг “Ўзбекистон меҳнат бозорида аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш” мавзусида амалга оширган докторлик диссертацияси доирасида Ўзбекистон меҳнат бозорида хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш бўйича назарий-методологик ва илмий-услубий қоидаларни ишлаб чиққан.[6:42.] Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ва бизга алоқадор жиҳати шундан иборатки, унда хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини оширишда халқаро андозалар ҳам ўрганилган, улар биздаги ҳолат билан солиштирилган. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши ва демократик тузум сифатида шаклланиши билан боғлиқ мураккаб ўтиш даври шароитларида, давлатимиз ва жамиятимиз диққат марказида, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг фаол қатнашишига эришиш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Юртимиз иқтисодий тараққиётидаги хотин -қизларнинг роли ва ҳиссасини аниқлаш мақсадида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида айни пайтда тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар ва бир гуруҳ эркаклар ўртасида социологик сўров натижасига кўра 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёлларнинг 45,4% ўз жавобларида тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи борлигини маълум қилдилар. Тадқиқотларда иштирок этган аёлларнинг кўп қисми (68,2%) бугунги кунда аёл иқтисодий жиҳатдан қарам бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайдилар. Респондентларнинг 24,4% бу фикрга қўшилмаган бўлсада, 7,4% бу борада ўз фикрларини билдиришга иккиланишлари кузатилди. Шаҳар аёлларнинг аксарияти (71,6%) қишлоқ аёлларига қараганда иқтисодий жиҳатдан эркин бўлишни шарт деб ҳисоблайдилар. Тадқиқотдан маълум бўлди-ки, кўпгина аёллар ўзларини иқтисодий жиҳатдан қарам деб ҳисобламайдилар. 39,2% респондентлар ўзларини моддий жиҳатдан мустақил, 53,7% ўзларини бундай гуруҳга қўшмасалар, аксинча 7,1% аёллар бу масалага жавоб беришга қийналгани кузатилди.[4:58,59.]

Ўзбекистонда ҳам аёллар иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни ишга жойлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тизимли ва изчил ишлар амалга оширилмоқда. Аёлларга ўз бизнесини ривожлантириш учун салмоқли молиявий маблағлар ажратилмоқда, масалан, агар 2004 йилда аёлларга қарийб 90 млрд.сўм берилган бўлса, ўтган йил якунлари бўйича эса деярли 10 баробарга кўпроқ

маблағлар ажратилди. Ҳозирги кунда иқтисодийнинг турли тармоқларида, бошқарув ва ишлаб чиқариш соҳаларида 62 фоиздан зиёд аёллар ишламоқда. Сўнгги 10 йил давомида кичик ва хусусий корхоналарни бошқараётган аёллар сони 1,6 баробарга ўсди, улар 400 фоиздан ортиқ кичик бизнес субъектларининг раҳбарларидир.[7.] Қишлоқ хўжалигида аёллар банд аҳолининг деярли ярмини ташкил этади. Тадбиркорлик ташаббусини амалга ошириш доирасида бутун мамлакат бўйлаб маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, гўзаллик салонлари, соғломлаштириш муассасалари очилмоқда, бу эса аёллар уй юмушларини енгиллаштириш ва улар учун қулайликлар яратишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш Марказий банкнинг ҳам диққат марказида бўлиб келмоқда.

Ўтган 10 йил давомида республикаимизда тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини кредитлаш ҳажми 30 баробардан зиёд ўсди. Президент фармони қабул қилингандан буён тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 2,6 трлн. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. Ушбу рақам мамлакатимиз иқтисодий мустаҳкам бўлиб, тижорат банкларининг имконият доираси кенгайиб бориши билан аёлларнинг турмуш фаровонлигини ошириш масаласига катта эътибор қаратилаётганининг тасдиғидир. Давлат аёллар ва оилавий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. 2014 йилда тижорат банклари томонидан аёл-тадбиркорларга ҳамда аёл ходимларининг сони камида 50% ни ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 600 млрд.сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.[5:4,5,6,7]

“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси (ЎЗИАА 1991 йилнинг июнида асос солинган нодавлат нотижорат ташкилот) томонидан жорий йилда “Тадбиркорликни ривожлантириш омиллари ва муаммолари”, “Коллежни битираётган қизларни тадбиркорликка йўналтириш”, “Аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш” каби учта йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида Ассоциация томонидан 50 нафардан ортиқ аёлларнинг кредит олиш, бино, иншоот қуриш учун ер билан таъминланиш, экспортга оид масалалари ижобий ҳал этилган. Аёллар ва қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича турли тадбирларни ўтказишга улкан эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақсадларга эришишда уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ўйинлари ва “Универсиада”, “Аёллар спорт фестивали” республика фестивали, уй бекалари ва қизлар орасида “Гимнастика барча учун” мусобақалари, “Соғлом оила” оилавий мусобақалари ва аёллар орасида “Соғлом она – соғлом бола” фестивали самарали воситага айланди. Хотин – қизларнинг жамиятдаги мавқеини йанада юксалтириш мақсадида юртимизда қуйидаги йўналишларда ислохотлар амалга оширилмоқда:

- Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш;

- Хотин-қизларнинг ишбилармонлик салоҳиятини рўёбга чиқариш;
- Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва бошқалар.

Мазкур ислохотлар гендер тенглик жамияти, шунингдек, кучли фуқаролик ҳуқуқий демократик жамият қуришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.- Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Азизова Н ,Алимова Н, Алимжонов Д. Гендер муносабатлари назарияси ва амалиётига кириш. Т. 2007.
3. Гендер и методология гендерных исследований, М., 2001.
4. Каримова В., Отажонов О., Юсупова С. Гендер-менежмент. Т.,2010
5. Муллажонов Ф “Ўзбекистон банк тизими 2014 йил натижалари ва 2015 йилдаги устувор вазифалари” // Бозор, пул, кредит 2015 № 1//
6. Рахимова Н.Х. Повышение экономической активности женщин на рынке труда Узбекистана.-Автореф. Дисс...докт.экон.наук.- Т., 2007.
7. www.cbu.uz
8. www.google.uz